



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 100 (8400).

25 май, 1984 йил

ЖУМА

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида таъинланган озиқ-овқат фондини вужудга келтириш мақсадида ерларни мелiorациялаштириш, ривожлантириш ҳамда сугорилган ерлардан фойдаланиш самардорлигини ошириш программасининг асосий йўналишларини муҳокама қилди ва маъқуллади.

Бу программа КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг тошйиринга мувофиқ илмий муассасаларнинг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг актив иштирокатида СССР ҳукумати, иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда идоралари томонидан ишлаб чиқилмоқда. Программа маккажўхори доғи, сабзавот, соя, озуқабол экинлар ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини барқарор етиштириш учун мамлакатнинг қўроқчил зонасида сугорилган деҳқончиликнинг анча ривожлантириш

юзасидан тадбирлар кенг комплексни кўзда tutadi. Шимолий Кавказда, Украина жанубида, Молдавияда, Волга бўйида бир қанча йиллик сугорилган системаларини қуриш белгиланмоқда. Ўрта Осиё республикаларида, Қозғистонда, Ғарбий Сибирда ва Зауральеда, Закавказьеда, Россиянинг ноқоратунроқ ўлисида, Белоруссия ва Балтика бўйида сув хўжалиги қурилиши янада ривож топади.

Сугорилган ерлардан ва зах қирилган ерлардан юқори самара олишни таъминловчи тадбирларга, мелiorацияда фан-техника тараққиётини

жадаллаштиришга, табиати муҳофаза қилиш ишларини ўтказишга, халқ хўжалик манфаатларини кўзда тутиш, сув ресурсларини қайта тақсимлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда зарур капитал маблағлар ва моддий-техника ресурсларини ажратиб, янги серурум мелiorатив техника ва ускуналар ишлаб чиқариш билан боғлиқ халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, министрлик ва идораларнинг имкониятларидан актив фойдаланиш мўлжалланмоқда.

Мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, СССР Озиқ-ов

қат программасининг бажарилиши мелiorацияни сиёсий жиҳатидан янги босқичга кўтаришни, деҳқончиликда барқарорлиқни ошириш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг кўп қиратли ва моддий-техника имкониятларидан самаралроқ фойдаланишга тақозо этади. Тўпланган тажриба, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш базаси ва барқарор мелiorаторлар коллективларининг мавжудлиги мамлакатимиз агрономик комплексида кирувчи ана шу муҳим тармоқни ривожлантиришнинг тобора кўпроқ мурак

каб ва кенг қўламли вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўрток Г. В. Романовнинг КПП Марказий Комитетининг тақлифига буюнғ Чехословакияда қилган сафари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Умумғреция социалистик ҳаракат I съезидида қатнашган ўрток В. И. Долгих бошчилигидаги КПСС делегациясининг иши маъқулланди.

Социалистик мамлакатлар маданият министрлигининг Будапештда бўлиб ўтган XII кенашини якунилари тўғрисида ўрток П. Н. Демичевнинг ва СССР Олий Совети делегациясининг Бразилияга қилган сафари ҳақида ўрток М. В. Зинягининг ахборотлари кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро мажлисида ички сиёсат ва халқро ҳаракатердаги баъзи бошқа масалалар муҳокама қилинди.



Пигирма етти ёшли Пак Хе Син урушин кўрган эмас. У урушнинг экранида ўз тенгдоши ролини ўйнаган «Тонгги юлдузи» фильмида кўриди. Уруш унинг ёшлигида шафқатсиз зомин бўлди. КХДР кинематографиячилари яратган картина 24 май кунини Тошкентда — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқро кинофестивалининг биринчи иш кунинда кўрсатилди.

Халқимизнинг 50-йилларда Америка агрессиясига қарши олиб борган курашини тўғрисида хикоя қилувчи бу фильм меннинг учун отам ва сиёсий асосида яратилди, деса бўлади: у фронтларда ярадор бўлиб вафот этган, дейди Корейдан келган актёр. Бу — замондошларимнинг Ватан озолида ва мустақиллиги учун жанг қилган авлод олдидидаги хотира бурчи, уруш планетанинг қайси томонидан рўй бермасин унга қарши норозилик ифодаси. Шу картинада рол ўйнаш менга ишонч топиштиради, деди ўзининг грациозлиги позицияни изҳор этиш, тинчликни хикоя қилиш учун, империализмнинг талбалиги ва вайронгарчиликлар келтиришига қарши ҳаракатни кучайтириш имконияти берилганлигидан бахтиёрман. Шу боғдан ҳам мен ўрток К. В. Черненконинг ҳолис ниятини кишиларни бирлаштиришда кинонинг ролига юксак баҳо берган таъриқномасини шахсан менга қаратилган мурожаат деб қабул қилдим. Бу фикр Тошкентдаги кўришмига руҳ бахш этди.

ТИНЧЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ИДЕАЛЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРИБ

Дарҳақиқат кино инсоннинг ақли ва қалбига таъсир ўтказиб, турли мамлакатлардаги кишиларга бир-бирини яхшироқ билиб олиш ва тушунишда ёрдам беришга қодир. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озолиги учун» олижаноб шиори билан жинслашган уч қитъа кинематографиячилари миллионлаб кишиларнинг озуғимди ва муудоаларини ифода этишчи энг яхши фильмларини Тошкентга олиб келдилар.

Фестивалининг интернационал экранида бадий яхнатдан ерқин, кўп тиллардаги фильмлар намойиш этилмоқда. Биринчи куннинг тигиз кино программаси томошабинларни қариб Янгирмада бадий, ҳужжатли, қисқа метражли фильмлар билан таништирди. Тунис, Туркия, Гана, ЯХДР ва бошқа мамлакатларнинг кинематографиячилари Санъат Саройида иккунчи ҳисобот бердилар.

Виз фестивалда кўрган дастлабки ленталар орасида ўзбек режиссёри Элёр Эшмухамедовнинг «Алломонинг ёшлиги» фильми борлиги рамазий маънога эга, — деди таниқли япон кинотанқидчиси Кадзуо Ямада. — Буюк олим Абу Али ибн Сино шахсонинг камол топиши тўғрисида хикоя қилувчи бу фильм аввало шуниси билан қизиқ: унда маънавий бойликлар тўғрисида гап боради, уларнинг аҳамияти эса ҳамма замоналар ва барча халқлар учун абадийдир.

Тошкент киноаюжмааларининг қатнашчилари Фаластин озолиқ ташкилот кинематографиячиларини г аввалги фестиваллар экранида қўйилган ленталарини

унутганлари йўқ. «Бешинчи уруш» лентаси шулар жумласидан бўлиб, уни суратла олиш вақтида операторлар ҳалок бўлишган. Улар тинчлик ва озолиқ душманларини фоти этган ленталарининг ҳар бир кадрили ўзларининг жанговар ўртоқларига васий қилиб қолдирган. Уларнинг фильмларида тинчлик раъми бўлган зайту шохини ва кино пленка ўраб олган миллионлаб инсонлар қатъий эмблема тушунилади. Тинчлик — халқ озолиқ учун кураш, кино санъати бир-бирдан ажралмасдир. Тошкентдаги VIII кино кўрнкада тақдим этилган «Хаёт илдоэлари» янги ҳужжатли лентаси Фаластин халқининг порлоқ келакат учун кураши ҳақида, унинг жоанжон дидеда яшашдек адолатли талаби ҳақида хикоя қилади.

Экранида Фаластин халқининг миллий ҳақрамони Мухаммад Иброҳим аш-Шойрининг овози янграйди. У Фаластин озолиқ ташкилотининг Совет Иттифоқидида биринчи эълоси бўлган эди. Биз, деди у, фарзандларимиз учун, бутун дунё болаларининг бахт-саодати учун курашмоқдамиз. Мен озолиқ йўлидаги курашмизанинг галабасига ишонаман, чунки буюк дўстимиз — Совет Иттифоқи қис билан бир гади.

Фестиваль иш маромига кирмоқда: унинг доирасида республика кино уйдаида лашган кино бозорини очилди. Унда 70 дан кўпроқ мамлакат — Тошкентда киноининг шиори, унинг руҳи — бирлашган ва тинчликсеварлик руҳи қилин ҳамда азиз бўлган мамлакатларнинг намоиядалари йнгилади.

(ЎзТАГ)

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА | ХАММАСИНИНГ ҲИСОБИ БОР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 23 май кунини Катта Кремль саройида КМП Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР президенти Ким Ир Сен бошчилигидаги партия-давлат делегациясини шарафига эътиф бердилар.

Совет томонидан эътифатда К. У. Черненко, В. И. Воронников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В.

Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. В. Зинягин, И. В. Капичников, К. В. Русанов, Н. И. Рижков ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко эътифатда нутқ сўзлади.

Ўрток К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Хўрматли ўрток Ким Ир Сен!

Кореялик хўрматли дўстлар!

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан сизларни Катта Кремль саройида табриклашга иккунат бергасиз.

Халқларимиз ва мамлакатларимизни мустақам тарихий дўстлик ришталари бирлаштириб турибди. Совет кишилари япон истислоҳотирига қарши қийин шариотларда мардона курашган корейс партизанларининг жа.соратларини эсдан чиқармайди. Биз иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида Япония милитаризмига қарши биргаликда жанг қилдик. Кореянинг озолиғи ва мустақиллиги учун жангларда минглаб совет жангчилари жан бердилар. Мамлакатларимизнинг халқлари уларнинг хотирасини ардоқлаб асрайдилар.

Биз қардош корейс халқининг Америка империализми агрессиясига қарши курашида у билан бирга бўлидик, шу агрессиянинг вайронгарчилик келтирган оқибатларини бартараф этишда кўмаклашдик. Мамлакатларимиз мустақам ҳамкорликда социалистик жамяят қуришда ва қурмоқдалар.

Шу ерда, Москва Кремлида 23 йил муқаддам имзоланган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома Совет-Корея муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим қўроқчил шартнома бўлиб қолди.

Корейс меҳнатчилари Корея меҳнат партияси, унинг ўрток Ким Ир Сен бошчилигидаги Марказий Комитети раҳбарлигида социализм қурилишида катта муваффақиятларга эришдилар. Эндиликда республиканинг ривожланган саноати ва унумдор қишлоқ хўжалиги мавжуд. Халқ маданияти ва фаровонлиги ўсмоқда. Кореялик дўстларнинг ютуқлари совет кишиларини қўвонтиради.

Совет-Корея муносабатлари социалистик қурилишнинг муҳим соҳаларида муваффақиятли ривожланиб бораётганини мамнуният туйғуси билан қайт этиш мумкин. Иқтисодий алоқалар ўсмоқда, маданият, фан, маориф ҳосасидида ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ҳамкорликнинг имкониятлари хали асло тугаган эмас. Албатта. Бу ҳамкорликнинг иқтисодий соҳадан бошқа соҳаларда ҳам кенгайтириш мумкин. Ҳозир, бениннинг назаримизда, партия ва давлат иши таъриқларини ўртоклаштириш, халқро фаоллаштириш соҳасида бажарилаётган ҳаракат қилиш тобора муҳим бўлиб бормоқда.

Биз бўлғуси музокаларда катта аҳамият берамиз. Бу музокалар Совет-Корея алоқаларини янги поғонага кўтаришга шубҳасиз хизмат қилади. КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм принциплари асосида ҳамкорлигимизни мустақамлаш учун бундан бундан куч-ғайрат сарфлабериладир, деб, яна бир таъкидлаб ўтишни истайдим.

Ўртоқлар! Корейс халқи ҳал этиш учун сабот билан курашаётган туб миллий проблемалари совет кишилари яхши биладилар ва тушунадилар. Бу — Америка империализмининг айби билан парчаланган мамлакатни қайта тиклаш проблемасидир.

Совет Иттифоқи Жанубий Кореядан Америка қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан кейин Корея тинч йўл билан демократик асосда қайта бирлаштирилишининг изчил тарафдоридир. Бизнинг қатъий, доимий позициямиз мана шундан иборат. Биз КХДРнинг ҳозир мавжуд бўлган яраш битими ўрнига сулҳ шартномаси тузилишини, Шимоил билан Жануб ўртасида ҳужум қилмаслик тўғрисида декларация қабул этилишини, қурулди кучларни ўзаро қискартиришни, Корея ярим ороли ядросиз зонага айлантирилишини кўзда тутувчи муҳим ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз. Бу тақдирларнинг рўёбга чиқариши Кореядаги вазиятни анча соғломлаштириши, Шимоил билан Жануб ўртасида самарали мулоқот учун қулай шариот яратилиши билдиради.

Шундайлигича ҳам анчагина мураккаб бўлган Корея масаласини одилона ҳал этиш йўлига империализм ва реаксия кучлари қўшимча тўсиқлар қўймоқдалар. Кореянинг жанубида АҚШ қурулди кучлари гуруҳи кучайтирилаётганлиги, Американинг ҳарбий қудрати Жанубий Корея ва Япониянинг жанговар қўшинларини иштирокчи йил сайин тобора кўпроқ намойиш этилаётганлиги мана шундай тўсиқлардир. Совет Иттифонининг давлат чегаралари яқинида ҳарбий кескинликнинг мана шундай хатари манбаи бизнинг жиддий ташвишлантиратганини айтиб ўтмоқчиман.

Империалистлар учун Осиё қитъаси — социалистик давлатларга қарши курашнинг яна бир, шарқий фронтидир. Қўшма Штатлар у ерда қатор-қатор ҳарбий баазалар ва талич пунктларини жойлаштириб қўйган, ядро қурулди ўрнатган. Шу қурулдин ҳаракат радиуси Совет Иттифонини территориясининга эмас, шу билан бирга Осиёдаги ва Тинч океан ҳавзасидаги бошқа социалистик ва носоциалистик

давлатларнинг территориясини ҳам ўз ичига олади. Айни Осиё қитъаси Қўшма Штатларнинг ядро қурулдин жангда ишлатилишининг биринчи майдони бўлганлигини эслатмай ўтиб бўлмайди.

«Орани бўлсанг, ҳўқурмон бўлаверасан!» деган шор муқтамлачиларининг одатлиги усули эди. Шу кунларда империалистлар халқларини пароканда қилиш, бир мамлакатни иккинчисига гиж-гижлаш тактикасини тинимсиз қўлламоқда. СЕНТО (иқтисодий ва маънавий антикоммунистик уюшмалар шартмавларча) барбод бўлганлигидан иборат таъриқларига қарамай, яна Вашингтон — Токио — Сеул блоки сингари ҳарбий ўқлар ва учбурчакларни тузишга уринмоқдалар. Биз мана шундай сиёсатга қаршимиз, турли-туман «таъсир соҳалари» ва «манфаат зоналари»га қаршимиз, ҳамма жойда ва хусусан Тинч океанда беким ҳарбий гуруҳларга қаршимиз. Тинч океан ҳаммакидир, у халқларни бир-биридан айирмайдиган, балки бир-бирига яқинлаштирадиган тинчлик ва яхши қўшнчилик океани бўлиб қолиши мумкин ва лозим.

АҚШнинг Япония милитаризминин қайта тиклаш ва мустақамлашнинг қўлоғини йўли Осиёдаги вазиятга путур етказмайтими, ахир? Вашингтондаги Япониянинг ўзларининг «чўқмайдиган авантюризм»га айлантирилган ниятларини яшқармайтилар. Бу — хатари йўқиндир. Чунки япон милитаризмининг ўзининг босқинчилиги, мустақамлачилик қиёфасини неча мартабала кўрсатган, неча мартабала уруш чиқарган эди. Дарвоже, Токиодан яна реваншчилик оҳангларини янграмоқда, территориялар даъво қилинмоқда. Анча хатарли асосда, ядро қурулди даъво тарихини такрорлаш йўлидаги уринишлар Осиёдаги кўпгина давлатларни хаваотирликка соймай қола олмайдилар. Бу уринишлар Японияга ҳам ҳеч бир яхшилик келтирмайдилар.

Осиё халқларининг тарихи ҳар қил, иккинчи тузуми ҳар қил бўлса ҳам, уларнинг тўп манфаатларини бир ибора билан ифодалаш мумкин. Улар тинчлик ва яхши қўшнчилик муносабатларини, куч ишлатишдан воз кечилишини, низоли масалаларни ва моқороларни тинч воситалар билан ҳал этиб, бартараф қилишни, тенг ҳуқуқлилик ва мустақиллиқни, суверенитет ва чегараларнинг даҳслислиги ҳўрмат қилинишини, ички ишларга аралашмаслиқни, ўзаро манфаатдорлик неғизиди иқтисодий ва бошқа турдаги ҳамкорлиқни ривожлантиришни, ижтимоий тараққиёт йўлини мустақил эркин танлаб олишни хошлайдилар. Мана шундай асосларда Осиё халқлари умумий тил топа олишларига аминимиз.

Совет Иттифоқи қимматли вақтни бой бермай, Осиё қитъасидаги вазиятни соғломлаштириш йўллари аниқ тойдил актив қидиришга қаршилишининг изчил тарафдоридир. Маълумки, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезиди барча манфаатдор мамлакатлар билан Узоқ Шарқда ишот тадбирлари юзасидан музокаларга ўтказилиш тақли қилди. Шундай тадбирларнинг амалга оширилиши янги тинчлик негизларини мустақамлашга катта ёрдам берган бўлур эди.

КХДРнинг Кореядаги, Узоқ Шарқдаги кескинликни қоматишга қаратилган

тинчлик ташаббуслари яхши маълум. Жаҳон жамоатчилиги Монголия Халқ Республикасининг Осиё ва Тинч океан давлатлари ўртасида ўзаро ҳўжум қилмаслик ва куч ишлатмаслик на оид конвенция тузиш тўғрисидаги тақлифини иккунчи назар билан кутиб олади. Биз империализм ва тегеомонизмининг Жанубий Шарқий Осиёдаги ҳўружларига мардона қарши туриб, шу регион давлатлари ўртасида ҳамжиҳатликка ва муносабатларни нормаллаштиришга, уни тинчлик ва барқарорлик зонасига айлантиришга даъват қилаётган Бьетнам, Лаос ва Кампучиянинг амалий позициясини ва тинчликсеварлик ташаббусларини тўлақўнли маъқуллашмиз. Қўшнмаслик ҳаракати биртала фойдали ва амалий гояларин илгари сурмоқда.

Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасидаги муносабатлар каби омиқ ҳам Осиё қитъасидаги вазиятни ривожлантириш учун жуда муҳим, деб ўйлаймиз. Бизнинг мамлакатимиз бу муносабатлар соғломлаштирилиши ва яхшиланиши учун изчиллик билан ҳаракат қилиб келмоқда, аммо бу нарсга бошқа мамлакатлар ҳисобига бўлмастлиги керак, албатта. Совет-Хитой муносабатларидаги тараққиёт, ХХР халқларининг урушга йўл қўймаслик учун олиб бораётган курашида қатнашгани социализмининг халқро ишлардаги ролини оширишга, тинчлик кучларининг позицияларини мустақамлашга шан-шубҳасиз кўмаклашган бўлур эди.

Биз Осиё проблемаларини қандайдир битта конференция ёки битим воситаси билан қисқа вақтда ҳал этиш мумкин, деган фикрда олдидамиз. Аммо қандай бўлмасин, бу проблемаларни ҳал этишга киришиш керак. Корейс мақолида айтилганидек, минг йил илгари биринчи қадамдан бошлангандилар.

Хўрматли ўрток Ким Ир Сен!

Кореялик хўрматли дўстлар!

Сизлар мамлакатимизда бўлганингизда совет кишиларининг бутун фикри-зикири тинч қурилиш билан банд эканлига ишонч ҳосил қила олдингиз. Бизнинг халқро майдондаги асосий куч-ғайратларимиз империализмининг ҳўддан таққари хатари сиёсати йўлини тўсишга, қурулдинни пойғасини тўхтатишга, халқларининг тинч турмушини таъминлашга қаратилган. Совет Иттифонини ҳарбий устуллик йўлини қидирмайди.

Айни вақтда ўзининг қудодаги агрессияни даф қилиш учун зарур бўлганидан кимайишга ҳеч қачон йўл қўймайдилар. Биз ўзининг тарихий галабаларимизни, давлат манфаатларимизни ҳам, шу жумладан иттифоқчиларимизнинг манфаатларини ва хавфсизлигини ҳам ҳимоя қила оламиз. Бу хусусда ҳеч ким шубҳаланмаслиги керак.

Ҳозир мураккаб, кескин пайтда яшаб турибмиз. Модомки, шундай экан, барча тинчлик ва тараққиёт кучлари — социализм мамлакатлари, коммунистик ва ишчи партиялар, миллий озолиқ, антиимпериалистик ҳаракатлар бир ёқдан бош чиқариб, жипслашиб, иш қурилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

(Давоми унчинчи бетда).

ДЕҲҚОНЧИЛИК. чорвачиликдаги ишларнинг ўз вақтида ва сифатида ўтказилиши, агро-техника тадбирларининг намунали амалга оширилиши кўп жиҳатдан хўжаликлардаги, фермалардаги мавжуд техникалардан самаралроқ фойдаланишга, уларни аялаб ишлатиб, умрининг узайтирилишига, намунали тартибда ремонт қилиниб, яхши сақланлишига боғлиқдир. Бундай хўжаликларда мўл, сифатли, таннархи арзон маҳсулот етиштирилади. План ва тошйирлар эъдиаси билан уудаланади. Бу жиҳатдан Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда бой тақрибга тўпланган. Бу тақриблар маъбуотда, жумладан, «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 12 май сонидида кенг ёритилди. Қўшнча колхоз, совхозлар бу илгўр хўжалиқнинг тақрибларини қўллаш, техникадан фойдаланиш, уни авайлаш, умрини узайтириш ҳосасида яхши натижага эришмоқдалар. ЧИНОЗ РАЙОНИДА Г. «ОКТАБРЬ 40 ИЛИГИ» колхозидида ҳам бу соҳада баъзи ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда муҳбиримиз шу колхозда бўлиб мутахассислар билан суҳбатлашди.

МУҲБИР: Энг аввало колхозда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда техниканинг роли қандайд бўлаётганлиги ҳақида гапириб берсангиз?

В. КИМ, колхоз бош бухгалтери ёрдамчиси:

— Техника шарафати тўфайли ўтган йилгидек мураккаб об-ҳаво шариотида ҳам хўжалигимиз меҳнат аҳли қўвончли ютуқларини қўлга киритдилар. Ҳар гектар ерда 37,4 центнердан пахта, 200 центнердан беда, 70 центнердан дон ва қўллаб миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғиштириб олишга эришдик. Маҳсулот таннархи ҳам аввалги йиллардагига нисбатан бирмунча каммайдилар. Жумладан, бир центнер пахтанинг таннархи 46 сўм 93 тийинга, беданики 2 сўм 50 тийинга, доникни 7 сўм 5 тийинга, картошкини 8 сўм 5 тийинга тўғри келди. Шунга қўра умумий даромадимиз 2 миллион 306 минг сўмга, соф даромадимиз эса 607 минг 300 сўмга етиб, рентабеллик 35,71 процентини ташкил қилди. Ҳар бир меҳнаткор йил давомида ўртача 4125 сўмдан, сўнчалик 3415 сўмдан ҳақ олдилар.

Хулоса қилиб айтганда, техникадан омиқроқлик билан фойдаланиш натижаида колхозимизда ҳам қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиғи омиб бормоқда, ҳам меҳнаткашларимизнинг моддий турмуш фаровонлиги яхшиланимоқда.

МУҲБИР: Ҳўл, колхозда техникадан самарали фойдаланиш учун қандай иш юритилляпти? Рўй бераётган айрим муаммоларини ҳал этиш учун асосий эътиборнинг нимага қаратиш мақсада мувофиқ?

МУҲБИР: Ҳўл, колхозда техникадан самарали фойдаланиш учун қандай иш юритилляпти? Рўй бераётган айрим муаммоларини ҳал этиш учун асосий эътиборнинг нимага қаратиш мақсада мувофиқ?

В. РУЧЬ, колхоз бош инженири:

— Хўжалигимиз турли марказдаги 41 та ҳайдов, чопи, транспорт тракторлари, 9 та плуг, 38 та прицеп, 13

ТЕХНИКАНИ АВАЙЛАЙЛИК, УМИНИ УЗАЙТИРАЙЛИК

та пахта териш агрегати, 12 та сеплка, 10 та культиватор — жами 150 дан ортқ техника воситаларига эга. Биз уларнинг ҳар бирини механизаторларга доимий равишда брикитириб қўйганмиз. Улар техникани ишлатишдан тортиб, ремонт қилишгача бўлган барча ҳаёларини ўзлари амалга оширадилар. Шунга қўра механизатор ўзига ишониб топширилган техникани ҳаммаша қўз қорачиғидек авайлайди, ўз вақтида нуқсонларнинг олдини олишга ҳаракат қилади. Борди-ю, механизатор лоқайлиги тўфайли бирорта механизм ёки детални ишдан чиқарса, биз унга нисбатан зарур чора курамиз, ойлик маошини маълум миқдорда жарима ушлаб қоламиз. Шу мақсадда ҳар бир тракторнинг фойдали иш коэффициентини аниқлаш учун махсус ҳисоб-китоб ишларини олиб бормиз. Унда механизаторнинг бажарган иш турини, меҳнат унумдорлигини ўз ифодасини топади.

Биз барча ремонт ишларини ўзинида бажарамиз. Бу колхоз маблагини тежашда ҳам, ишнинг сифат-

ли бажарилишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Лекин бундан ҳамма соҳадаги ишларимиз кўнунгидидадек деган хулоса чиқариб бўлмайди. Ҳар йили қайта-қайта илтимос қилишларимизга қарамадан «Сельхозтехника» район бирлашмасидан керакли миқдорда эҳтиёт қисмларни ололмаймиз. Масалан, айни кунларда комбайнлар учун тасмалар, барабан, қирқувчи механизмлар, культиватор органлари учун «гозпанжа»лар, турли зармердаги муруватлар, слесарлик ишлари учун зарур бўлган хом ашё металллар етишмайди. Айниқса, чопиқ ва транспорт тракторларининг қўшқили механизаторларимизнинг қимматли вақтлари беҳуда ўтишти, ёнлиг-мойлаш материалларининг беҳуда сарфланлишига олиб келмоқда.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Колхоз

Шунга ўхшаш камчиликлар ҳамда янгида институт ректорлари ва курсантлари тегишливу ақилдорлиги институт Советларида муҳокама қилини ва уларни тутатиш юзасидан зарур чоралар қўрили топирилади. Ётоқхоналари ишти узидан назоратини бўшатириги юборганиликлари учун Тошкент алоқа-электротехника институтини проректори Х. Турсунояв, Тошкент Давлат маданияти институтини проректори Б. Қаҳоровга ҳайфсан эълон қилинди. Ўз вазиридан совуққонлиқ билан қарётган бошқа қиллар- ҳақи қаттиқ жазоландилар.

СҶЗ — ФЕСТИВАЛЬ
ҚАТНАШЧИЛАРИГАИЖОДИЙ
МУЛОҚОТНҒАЙДО БО,
кинорежиссёр [Сенегал]

— ОСИЕ, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро Тошкент кинофестивал-ли сенегаллик санъаткорлар учун кино мактаби бўлиб қолди. Мамлакатимизнинг Сенегал Усмол, Полен Вийра каби танқидчи кино арбоблари Со-вет Иттифоқининг бутун дунёга машҳур киномотографчилари томонидан эришган юзлаб катта ижодий тажрибадан са-баб олиб, сенегал халқининг мустанлакчилик қарши мар-дондор кураш олиб бораётган-лиги, ҳар бир кишининг она-юрт тақдир олдидан масъу-лият, хотинкилар озодинги ва миллий маданиятни барпо қилиш каби жуда муҳим мас-салада бадий ва ҳужжатли фильмларини суратга олдирар. Истеъдодли санъат усталари-нинг бир қатор асарлари хал-қаро Тошкент фестиваллари-нинг экран орқали ҳам му-ваффақиятлик намоён этилди.

Шаксан ўзи Тошкент кино-форумида иккинчи бор қатнаш-моқдаман. Бу санъат байрам-ининг аjoyиб ғозилати унинг «Ичкилик, ичкилик тараққий ва халқлар озодинги учун» деган мукддас шориде ўз-ифодасини топган.

Тошкент кинофестивалида биз ўзининг ижодий ютуқ-ларимиз намоён этибгина қолмай, жаҳон кинематогра-фисининг энг илғор намоён-далари билан ижодий муло-қотда бўлиш. Шубҳасиз, бу аниқман келгуси ишларда-да муҳим аҳамият касб эта-ди.

ИЛҲОМ
ОЛАМИЗЖАМОЛ ДИН,
Уганда Давлат телевидение
корпорациясининг
директори.

— МЕН учун кўпта- мамлакат-ларни кино аниқлашда бирин-чи марта кишироқ эътиборданман. Биз ўтган йили Совет Итти-фоқи билан бадий фильмлар айриб-ошлар масаласида шарт-нома туздик. Чунки Угандада совет фильмларининг ғозий-бадий саваниси ва техник-икмонияти жуда ҳам қадр-ланган.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда кўпроқ қисқа метра-жлик ва ҳужжатли картиналар суратга олинмоқда. Чунки ҳаётда юз бераётган катта-ки-чик воқеалар тўғрисида киш-ларга ҳозиржавоблик билан тушунича беришда кинопуб-лицистика ўзининг чексиз им-кониятларига эгадир.

Халқаро Тошкент кино ан-жумани эндиликта тараққий-ётган кинорежиссёрлар мамла-катимиз сингари давлатлар-нинг кино санъати шаклланиш-ва унинг келгуси ривожинда жуда катта аҳамиятга эга экан, бу кинофорумнинг бутун ер-юзда тинчликни сақлаб қо-лиш, халқлар ўртасида дўст-лик ва қардошлиқни мустах-камлашдек эзу мақсад йўли-да хизмат қилуваришнинг ис-таймиз.



● ОСИЕ, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро Тошкент кинофестивалида сенегаллик санъаткорлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Су-ратда: афгон кино санъати намоёндалари ўзбек режиссёри Б. Хўжаев (ўндан йи-кинчи) билан.

ФЕСТИВАЛЬ ЭКРАНИДА
ЎЗБЕКИСТОН

ОСИЕ, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари-нинг Тошкентда ўтатган навабдаги VIII халқаро кинофестивалида ўзбек кинематографчилари 2 та ба-дий фильм кўрсатдилар. Айниқса, анжуманининг рас-мий программасига кири-тилган «Дахонинг ёшисин» номли бадий фильм алоҳи-да эътиборга лойиқ. Карти-на таниқли кинорежиссёр Элёр Эшмухамедов ижодий группаси томонидан яра-тилган. Бу санъаткор кенг томошабинлар оmmasига «Сенишанлар», «Нафосат», «Учрашув ва айрилиқлар», «Қандай аjoyиб йиллари-миз» сингари кинофильмлар ижодлари сифатида яхши таниш. У барча асарларида ёшисин, инсон ҳаётидаги энг гўзал ва навиқрон дари-ни тараққий этади. «Дахонинг ёшисин»да эса бундан 1000 йил илгари бўлиб ўт-ган воқеалар тасвирланади. Шундай бўлсада, режиссёр ўзининг ижодий принциплари содиқ қолган ҳолда яна ёшисини куйлайди.

— Бир вақтлар ўзбек ки-носининг отахони Комил Ер-матов ишлаган «Абу Али ибн Сино» фильми олим-нинг қамолотга етишган пайти ҳақида ҳикоя қилиб, Хоразмдаги ҳаётини қамраб

олган эди, — дейди Элёр Эшмухамедов. — Мен учун унинг ёшисинда характери қандай шаклланишининг кўрсатиб бериш муҳим бў-либ қўйинди...

Картинадаги воқеалар асосан Абу Али ибн Сино ўсиб — ўлганга Бухорода ке-чди. Кўз ўнгимизда араб ис-тилочилиги тугатилиб, мамлакатда сомониёлар ҳукмронлигидаги давр ақло-намое бўлади. Бухоро ами-ри саройга барча илм ва маърифат аҳлини тўлашга ҳаракат қилади. Ёш Ху-сайн (Ибн Сино) ҳам на-зардан четда қолмайди. У ўткир зеҳнлиги ва зукколи-ги билан атрофдагиларни ҳайратга солади. Ибн Сино-да, айниқса, тиббиётга қи-зиқиш кучли эди. Турли ка-салликлардан азоб чекаёт-ган ватандошларига, қола-верса кўзи оқиз қиз Ойона-га ёрдам бериш истаги уни машҳур грек табиби Анас-тас ҳузурига етказди. Ке-йинчалик устоз бераётган тавлим ҳам уни қаноатлан-тирмай қўйди.

Фильм воқеалари даво-мида Ибн Сино тиббиёт ба-дида улан муваффақият-лари қўлга киритиши тас-вирланади. У Ойонани из-лаб топган, унинг қўзини даволайди. Икки ёш ўрта-

сида муҳаббат пайдо бўла-ди, лекин бу қувонч тез орада яқсон этилади. Гап шундаки, турк босқинчи-ларнинг ҳужуми туфайли со-мониёлар қақшатиқ зарба-га дуч келишади. Бухоро амири ўлдирилади. Ойона ҳам босқинчилар қўрибон бўлади. Мана шу тариқа 20 ёшли Ибн Сино Бухорони тарк этиб, бир умр Ватани-ни қўмсаб, дарбадарликда ҳаёт кечириди.

Буюк аллома образини Бахтиёр Зокиров таъин эт-ган. Ойона ролида эса Раъ-но Кубаевани кўрашим. Бу икки актёр ҳам ВГИК (Бу-туинттифок Давлат Кинема-тография институту) тала-баларидир. Шунингдек, фильмда тожикистонлик Сайрам Исаева, Ато Му-хаммадзонов каби таниқли актёрлар ўз санъатини на-моён этишган. Кинофильм сценарийни Э. Эшмухаме-дов драматург Одилшо Аги-шев билан ҳамкорликда ёз-ган. Композитор Эдуард Ар-темьев. Рассом Эмонэль Ка-лантаров. Фильмни бело-русиялик оператор Татьяна Логинова суратга олган.

БУ АСАРДАН ташқари фестивалда Ўзбекистон ССР халқ артисти кинорежиссёр Латиф Файзиев билан ҳинд режиссёри Умеш Меҳра ҳамкорлигида яратилган «Севги афсонаси» бадий фильми ҳам кўрсатилади. Картинага Ҳиндистонда, аниқроғи, Панжоб ва Каши-мирда машҳур бўлган афе-сона асос қилиб олинган.

Фильмда барча ҳинд ки-ноленталари сингари куй ва қўшиққа кенг ўрин бери-лган. Сценарий Э. Умарбе-ков, Л. Файзиев ҳамда ҳин-дистонлик Д. Сидхи ва У. Меҳралар қаламига мансуб. Картинада Шамми Капур, Пунам ҳамда Наби Раҳи-мов, Зинир Муҳаммадзо-нов, Фрунзик Мкртчян, Гул-чеҳра Жамилова сингари машҳур санъат усталари қатнашган.

Ш. ҲИДОЯТОВ.



● СУРАТДА: ўзбек ва ҳинд санъаткорларининг ижодий ҳамкорлигида яратилган «Севги афсонаси» ба-дий фильмининг бир кўриниш.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХУЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

20 ЙИЛ БУРУН ВА БУГҲУН

Ўзбекистон ССР Халқ хў-жалиги ютуқлари кўргазма-си республикамиз меҳнат-кашларининг турли соҳа-ларда эришган ютуқлари кўз-гуси, айни вақтда кон-сулациянинг актив тари-ботчисидир. Шу кўнларда у-ники шонли сана — Ўзбекис-тон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи ва кўргазма таш-кил қилинганлигининг 20 йиллик тўйини муносиб нишонлашга тайёргар-лик кўрмоқда. Шу мақсад-да соҳаларо кўргазмалар-нинг мазмунини кенгайтири-ди ва урта махсус ўқув юр-тлари фаолияти, ёшлар-нинг илмий-техника ижоди-етини, ихтиро ва рационали-

зотларнинг Озиқ-овқат программасини амалга оши-риш ишига қўшаётган ҳис-салари ҳақида ҳикоя қи-линади.

Кўргазмага 1964 йили Ўзбекистон Совет Соци-алистик Республикаси таш-кил топонимининг 40 йил-лик муносабати билан асос солинган эди. Бундан мақ-сад ўтган 40 йил мобайнида республикамизда қўлга ки-ририлган ютуқлар, эконо-мика, маданият, фан тараққи-ети билан меҳнаткашларни, юбилей меҳмонларини та-ништириш эди. 1974 йили эса республикамизнинг 50 йиллик юбилейи арафасида «Ғалаба» маданият ва ис-тироҳот боғининг майдони кў-ргазма маъмурияти ихти-рога берилди. Ютуқларимизни янада кенгрок, муфассалроқ намоиш этиш имконияти яратилди. Шу йилиёқ Тош-кентнинг олмас намар бў-ми Бўзус устига кўпник қурилиб, соҳиллари кўна-дамзорлаштирилди, кўрга-за-

манинг «Капитал қурилиш» павильони фойдаланишга топширилди.

Ўтган йиллар мобайнида кўргазма майдони янада ке-нгайиб бори. Экспонатлар уч-баравар кўпайди. Оқ-нора тасвирдаги фотосуратлар ў-рниги рангли тасвирдаги фо-тосуратлар ағаллади. То-мошабинларга кўрсатилаёт-ган экскурсия хизмати ях-шиллади.

Кўҳна ва навиқрон Тош-кентнинг 2 минг йиллиги муносабати билан Ўзбекис-тон ССР Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмаси ў-зининг янги, тугал қиёфасига эга бўлди. Кўргазмага кир-веринида миллий услубда ишланган салобатли арк дар-воза ўрнатилди. Кўргазманинг умумий майдони 4100 квад-рат метрга кенгайди. Рес-публика «Хурмат тахтаси» қурилиши тугалланди, у-нда ўлкамизнинг илгор меҳ-наткашлари, маънавий бой-лиқлар яратётган кишила-

рининг портретлари ўрин олди.

Хозир кўргазманинг ум-умий майдони 80 гектарни ташкил этади. Уни «Ичкик Ўзбекистон» деб атасан ан-глишмаймиз. Томошабинлар орасида Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган меҳмонлар, чет эллик ту-ристларни учратиб мумкин. Бу ерга келувчилар 60 йил-лик тўйини нишонлаётган серкўб республикамизнинг бугунги тараққиети ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади-лар. Қўш юбилей муносабати билан ташкил этилган экс-позициялар кейинги ойлорда қардош республикаларда ҳам намоиш этилади.

М. ОТАБЕКОВА,
кўргазма ахборот марка-зининг бошлиғи.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750, БУЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транс-порт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юр-тлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, халқаро ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотохўб — 325894.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат
комитетининг
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИ
БАЗАСИДАГИ
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎИ-ЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕР-ЛАЙДИ: ёритиш бўйича электр монтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи, қуллаиш тармоқ-лари ва электр қурилмалари бўйича электр монтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандловчи, коммутация иккиламчи тармоқлари бўйича электр монтажчи, лифт-ларини монтаж қилиш бўйича слесарь — монтажчи (Ватанимизда ва чет эллар қурилмалари), контроль ўл-чос асбоблари ва автоматика ремонтчи бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишини бақара олиш қобилиятини ағаллаш билан), радиотелевизион апаратураларига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1, 2, 3 ЙИЛ.
ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА, ҚЎШИБ ҲИ-СОБЛАНАДИ.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 14,5 ЕШДАН КАТТА БУЛГАН ЙИГИТ — ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қи-линадиган 3 йил ўқийдилар ва тўла ўрта маълумот ҳамда ихтисоси тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланади-лар. 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача миқдорда стипендия олади-лар. Ишлаб чиқариш практикисини ўташ даврида электромонтажчилар, электр — газ пайвандловчилар группаларининг ўқувчилари иш ҳақининг 50 процентини оладилар ва уларга ётоқхона берилади, бошқа группалар-нинг ўқувчилари иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафаридан запасга бўшатиш ва электр монтажчи мутахассисликлари бўйича ўқишга кирган йигитлар учун ўқиш муддати бир мунча қисқар-тирилади: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ойгача.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТ-ЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юр-тларида киришда имтиҳонлардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар кор-хоналарда мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юр-тларида ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Билим юрти яхши спорт базасига эга, 14 спорт сек-цияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги мавжуд.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНА-ДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, таржиман холи, характе-ристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкиси: турар жойидан справка, ота — онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3Х4 см.). Тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўғувчилар кўчаси, 8-й (2, 3, 33, 34, 40, 45, 58, 70, 79-автобусларнинг: 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқима-чилик комбинати» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат
комитетининг

84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ
ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун

ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БЎЕҶЧИ — СУВОҶЧИ, БЎЕҶЧИ — ҚУРУВЧИ (бадий безаш ва ганчкорликни билладиган), ЭЛЕКТР — ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ПАРКЕТЧИ, ЙУЛ МОНТЕРИ, БЕЗАКЧИ — ПЛИТКАЧИ, ЁИШ ТЕРУВЧИ, ТЕМИР ЙУЗЛАРИ БЛОКИРОВКАЛАШ ВА МАРКАЗЛАШ-ТИРИШНИ СИГНАЛИЗАЦИЯЛАШ БЎИЧА СЛЕ-САРЬ — ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, СЛЕСАРЬ — САН-ТЕХНИК, ДУРАДГОР (ёғочга ўйиб гул солувчи).

Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15,14 ЕШЛИЛАР ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ — ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга билим юр-тарини тугатган тўлиқ ўрта маълумот ҳамда ағаллаган касблари бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга кўнуга уч маҳал иссиқ овқат ва бепул кийим — бош берилади. Ишлаб чиқариш практикисини даврида ўқувчиларнинг ишлаб топан меҳнат ҳақларидан 50 проценти уларнинг ўзига берилади. Ўрта маълумот би-лан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм-дан стипендия тўланади. Совет Армияси сафидан ҳарбий

хизматини ўтаб қайтганлар учун ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматини ўтаб қайтиб келганлар темир йўллари блокориклаш ва марказ-лаштиришни сигнализациялаш бўйича слесарь — элек-тромаонтажчи ихтисослигига қабул қилинадилар. Улар учун ўқиш муддати 6 ой. Ҳар ойда 90 сўмдан стипендия берилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган ётоқхонага, ошхонага ва спорт залига эга.

Бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги мавжуд.

Билим юртини аъло баҳоларга битирганлар ўрта махсус ва олий ўқув юр-тларида ўқиш учун йўлланма би-лан юбориладилар.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ КИРИШ ИМТИҲОНЛА-РИСИЗ ЎТҚАЗИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (ёки аттестат), характеристика, 286-формадаги медицина справкиси, турар жойидан справка, 3Х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

АРИЗА ВА ҲУЖАТЛАР ҲАР КҲНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНА-ДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯВРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним кўчаси, 113-й (15, 23, 26, 61-автобуслар-нинг «Изат магазини» бекати), Телефон 96 — 17 — 61.

12.05—12.35 — Илмий-омма-боп фильм, 14.40 — «Совет тасавирий санъати», 15.10 — Габриэль Гарсиа Маркес асар-лари саҳифаларида, 16.10 — 18.30 — Янгилар, 18.50 — Саҳиллар, Бадий фильм, 20.10 — 20.30 — «Кетуси» фольклор коллективининг чи-қиши, 20.45 — «Харакат ҳавф-сизлиги учун», 21.15 — Рус халқ чолгу оркестрининг кон-церти, 21.30 — Время, 22.05 — Футбол бўйича Европа че-мпонати, 23.35 — Камондан ўк отиш бўйича «Баҳор камалак-лари» халқаро мусобақалари.

ЎзТБ-1, 14.55 — Кўрсатувлар программаси, 15.00 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топонимининг 60 йил-лигига ҳамда Улуғ Ватан ур-шиде Совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигига ба-ғишланган мактабчада ёшдаги болалар, мактаб ўқувчилари, педагогика ўқув юр-тлари ўқу-вчилари ва студентларнинг VI республика спорт саройи-ден олимп кўрсатилади. 17.00 — Болалар учун фильмлар, 18.00 — Янгилар, 18.15 —

Кўғирчоқ фильм, 18.35 — «Ёшлик», 19.10 — «Ўзбекистон чиникси», Телефильм, 19.30 — Ахборот, 19.45 — «Мулоҳаза-лар», Ҳужжатли фильм, 20.15 — Халқаро аҳоли кўндалиги, 20.30 — Ахборот, 20.50 — Концерт, 21.30 — Москва, «Время», 22.05 — «Инсон ва замин», 23.20 — Янгилар, 23.25 — 9.00—16.15 — МТ-II, 18.25 — Кўрсатувлар програм-маси, 18.30 — «Экономика те-жамли бўлиши керак», 19.00 — «Инсон ва табиат», Кино-программа, 20.00 — Тошкент янгилар, 20.20 — «Китоб дўстлари», 20.50 — «Ая», СССР халқ артисти Лутфи-хоним Саримскова ҳақида ҳуж-жатли фильм, 21.30—МТ-II.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/У да Отелло (премьера), 26/У да Қиёмат қарз, 27/У да Юлдаш тун-лар.

МУҚИМ ИНОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТ-РИДА — 25/У да Тўйдан ол-дин томоша, 26/У да Тош-болта ошми, 27/У да Ватан иши (16.00, 19.30).

Тошкент области журнали-стлар ташкилоти ва «Тошкент ҳақиқати» редак-цияси коллективи «Таш-кентская правда» газетаси редакторининг ўринбоса-ри Н. И. Яковенкога отаси Ивани Иванович ЯКОВЕНКОНИ-ннинг вафот этганлиги муноса-би билан чуқур таъзия из-ҳор қилди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — «Сувда цирк» Москва цирки артистларининг гас-трлари (25/У да 19.30 да; 26/У да 15, 18.30 да; 27/У да 11, 15, 18.30 да).

Тошкент области журнали-стлар ташкилоти ва «Тошкент ҳақиқати» редак-цияси коллективи «Таш-кентская правда» газетаси редакторининг ўринбоса-ри Н. И. Яковенкога отаси Ивани Иванович ЯКОВЕНКОНИ-ннинг вафот этганлиги муноса-би билан чуқур таъзия из-ҳор қилди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — «Сувда цирк» Москва цирки артистларининг гас-трлари (25/У да 19.30 да; 26/У да 15, 18.30 да; 27/У да 11, 15, 18.30 да).

Тошкент области журнали-стлар ташкилоти ва «Тошкент ҳақиқати» редак-цияси коллективи «Таш-кентская правда» газетаси редакторининг ўринбоса-ри Н. И. Яковенкога отаси Ивани Иванович ЯКОВЕНКОНИ-ннинг вафот этганлиги муноса-би билан чуқур таъзия из-ҳор қилди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — «Сувда цирк» Москва цирки артистларининг гас-трлари (25/У да 19.30 да; 26/У да 15, 18.30 да; 27/У да 11, 15, 18.30 да).